

5510500 – Фармация (турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши – соғлиқни сақлаш тизимининг, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги йўналиш бўлиб, у аҳолига фармацевтик ёрдамни курсатиш, истеъмолчиларнинг фармацевтика ташкилотида сотишга рухсат берилган хавфсиз, самарали, юкори сифатли дори воситалар ва тиббий буюмлар, асбоб -ускуналар ва бошқа фармацевтика маҳсулотларига булган эҳтиёжини аниқлаш ва талабини кондириш; фармацевтика ташкилоти фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш; фармацевтик ташкилотнинг меҳнат жамоаси ишини ташкил этиш ва уни бошқариш; дорихоналар ва дорихона шахобчаларида дори воситалари ва тиббий буюмларининг чакана савдоси; дори воситалари ва тиббий буюмларининг улгуржи савдоси; омборхоналарда дори воситалари ва тиббий буюмларни меъёрий хужжатлар асосида сақлашни ташкил этиш; дорихона фаолиятида бухгалтерия ва статистик ҳисоб ва ҳисоботларни олиб бориш; дорихона фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва режалаштириш; дорихона шароитида дори воситалари ва бошқа турдаги тиббий ва фармацевтик маҳсулотларни тайёрлаш; тиббий ва фармацевтик маҳсулотларни қадоқлаш ва ўраш; муайян гуруҳ дори воситалари ва бошқа моддаларни миқдорий-буюм ҳисобини юритиш; дорихона корхоналари шароитида дори препаратларини ишлаб чиқиш; дори воситалари ва дорихона ассортиментининг бошқа маҳсулотларини қадоқлаш, ўраш ва сақлашни ишини таъминлаш; заҳарли, гиёҳванд, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддаларни ва уларнинг метаболитларини мурда ички аъзоларидан ва биологик суюқликлардан ажратиб олиш; биологик объект ва биологик суюқликлардан ажратиб олинган наркотик, психотроп дори воситалари ва бошқа инсон организмига таъсир этувчи заҳарли моддаларни сифат ва миқдорини аниқлаш; фармацевтик препаратлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва бошқа моддаларни сифат ва миқдорини аниқлаш; олинган текширувлар интерпретациясини ўтказиш; дори воситаларининг сифатини биологик усуллар билан назорат қилиш; дори воситаларининг клиникагача бўлган фармако-токсикологик тадқиқотларини ўтказиш; самарали ва хавфсиз фармакотерапияни ташкил этиш; дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш; кучли таъсир этувчи, психотроп, наркотик дори моддалар айланишини назорат қилишга тегишли комплекс масалаларни ечишни ўз ичига олади.

1.2.2. 5510500 – Фармация (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

дори воситалари, даволаш профилактика муассасалари, турли мулкчилик шаклидаги дорихоналар фармацевтика ишини ташкил қилиш ва юритиш, назорат таҳлил ва кимё-токсикологик лабораториялари, фармацевтикага оид илмий-амалий лойиҳалар, клиник-фармакологик таҳлил ва клиник экспериментал лабораториялари ҳисобланади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5510500 – Фармация (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- турли мулкчилик шаклидаги дорихоналарда фармацевт-технолог, фармацевт-аналитик ва фармацевт-назоратчи ишини ташкиллаштириш;
- фармацевтик савдо корхоналари ва омборхоналарида дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш, қадоқлаш ва тарқатиш;
- кимё-токсикологик экспертизалар ўтказиш жараёнида иштирок этиш;
- дори воситаларини таҳлил қилиш, сифатини баҳолаш;
- таҳлил усулларини валидациялаш;
- дори воситалари сифатини таъминлаш;
- дори воситаларини сертификатлаштириш;
- шифохона дорихоналарида дори воситалари тайёрлаш, сифатини баҳолаш, сақлаш, қадоқлаш ва беморларга бериш;
 - тиббиёт ходимларига дори воситаларидан оқилона фойдаланиш юзасидан тавсиялар бериш;
 - тиббиёт ходимларига ва аҳолига дори воситаларидан оқилона фойдаланиш юзасидан тавсиялар бериш;
 - янги дори воситаларининг клиника олди текширувлари, клиник синовларини ўтказиш,

- дори воситаларининг сифатини биологик усуллар билан назорат қилиш,
- аҳоли орасида тарқалган касалликларни ва уни даволаш учун керак бўладиган дорилар гуруҳига эҳтиёжни ўрганиш ва таъминлашга йўналтирилган воситалар, усуллар ва услубларни ўзида жамлайди.